

Узбекистон Республикаси Согликни
саклаш вазирлнги тизимида давлат
тиббиёт муассасаларида аутсорсинг
хизматлари кўрсатиш тартиби турисида
низомга 2-илова

Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича

ШАРТНОМА № 1

Урганч шахри

2022 йил «5» Май

Хазорасп туман тиббиёт бирлашмаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Сатибалдиев Ойбек Рахимбаевич бир томондан ва **ООО "FAST FOZILJON" номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи директор Бекчанов Илхом Кадирович_(кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.**

1. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида курсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тулаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар куни Буюртмачини
Беморларни 3 махал иссик овкат билан таъминлаш

(аутсорсерга Утказилган хизмат номи)

хамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукуқий хужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва коидаларига риоя этган холда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофик таъминлаш мажбуриятини, кейинги Уринларда Хизматлар деб аталади, уз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил "5" Майдан

2022 йил "31" Декабргача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-ракамига пул маблаглари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

II. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер куйидаги хукукларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иноотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жихатдан жихозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Конун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқуqlар.

2.2. Аутсорсер куйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жихозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатиша техника, ёнгин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматла)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши:

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қиласдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида белпул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариш;

2.2.9. Малакали, тажрибали, кўйилган вазифаи (хизматни, ишни) амалга ошириш хукуқини берувчи тегишли хужжатларни иавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўриқдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг худудида одоб-аҳлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслигй;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жихозлар,

идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларнисоз ҳолда сақлаши, таъмиралиши, шунингдек, биноларни таъмиралиши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарларни ва бошқа моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳакида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равища огохлантириши, ушбу муддат тугагунга қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъмилаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитиши (малакасини ошириши) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи қуидаги хуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар,хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши,кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равища огохлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқулар.

2.4. Буюртмачи қуидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги гархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ақини тўлаш;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни(хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи 764 275 500 (Етти юз олтмиш тўрт миљлон йкки юз етмиш беш минг беш юз) сўмни ташкил қиласди.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлари ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган ажарилган ишларнинг йиғма далолатномаситузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштирилади.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

3.6. Хизмат кўрсатиш учун фойдаланиладиган озиқ-овқат, хом-ашё ва хизматлар нархи ошиши ёки пасайиши муносабати билан аутсорсер томонидан бериладиган товар ва хизматларнинг таннархи шартномада кўрсатилган баҳодан ошиши ёки камайиши мумкин.Хизмат ва товарлар таннархи ошиши муносабати билан баҳо ошиши буюртмачининг йиллик тасдиқланган харажатлар сметаси чегарасидан ошмаслиги лозим.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаганхизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларни бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, “Хўжалик юритувчисубъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-хукуқий хужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4. Буюртмачига ҳар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишига (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларни мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

V. Мунозарали вазиятларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб таомили амалга оширилгандан сўнг улар

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

VI. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий оғатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

VII. Якунловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз хукуқ ва мажбуриятларини бошқа томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юборилиши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўли, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар биридан мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII. Тарафларнинг коррупцияга карши кураш бўйича маъсумияти

8.1. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга карши курашиш тўғрисида"ги конун талабларига сўзсиз амал киласди.

8.2. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган холда, ушбу шартнома доирасида конун бузилишига олиб келадиган харакатлар(харакатсизлик)га йўл кўймайдилар.

8.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга карши курашиш соҳасидаги амалдаги конун хужжатлари талабларига риоя этиш баробарида куйидагларга йўл кўймаслик мажбуриятини оладилар: - пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик қилиш; товламачилик, ёки бошка ноконуний йўллар билан пора олишга ундаш; - пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

8.4. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад этадилар. жумладан:

тарафларнинг ходимлари ёки вакилларидан пул маблағлари олиш, совгалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу харакат(харакатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай харакатни бажаришни.

8.5. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда суний равишда иккинчи тарафга нокулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита хамда билвосита сабабчи бўлиш такикланади.

8.6. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя килмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш холатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон килингандек, шартноманинг 5.1-бандида белгиланган коидалардан бири содир этилганда ушбу харакат содир этилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор килиш мажбуриятини ўз зиммасига олади хамда шартнома шартлари ёки конун бузилишининг инкор этилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат киладилар.

IX. Шартноманинг амал қилиш муддати.

9.1. Ушбу шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва бир календар иили давомида ёки муддатидан олдин бекор қилингунга қадар амал қиласди.

X. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

АУТСОРСЕР

БҮЮРТМАЧИ


ООО "FAST FOZILJON"
Адрес: Урганч шахри Ю.Бобоҷонов 4
р/с: 20208000605049224001
ИНН: 306 304 074
Банк: ТИФ Миллий банк Урганч
ТЕЛ : 99 899 337 72 75
МФО:00547

Рахбар  И.К.Бекчанов



Хазорасп туман тиббиёт бирлашмаси
Манзил: F.Фулом кўча 3-ий
Тел: 62 33 25 339
Ш/хр:100022860332207073101054002
СТИР: 200 419 760 ОКОНХ: 91511
Молия Вазирлиги Ғазначилиги
X/р:23402000300100001010
Банк: Марказий банк Тошкент шахар
ХКМ
СТИР: 201 122 919 МФО:00014

Рахбар  О.Р.Сатибалдиев



Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни
кўрсатиш бўйича намунавий шартномага
илова

ШАРТНОМАНИНГ ПРОГНОЗ СУММАСИ

T/P	Ойлар	Ойдаги кунлар сони	Ўлчов бирлиги	Хизмат бирлиги учун нарх (сўм)	Хизмат бирлик лари сони	Жами сумма КҚС сиз	КҚС %	Жами сумма КҚС билан
1	Январь	31	сўм	0	1	0	-	0
2	Февраль	28/29	сўм	0	1	0	-	0
3	Март	31	сўм	0	1	0	-	0
4	Апрель	30	сўм	0	1	0	-	0
5	Май	31	сўм	134 865 000	1	134 865 000	-	134 865 000
6	Июнь	30	сўм	88 762 500	1	88 762 500	-	88 762 500
7	Июль	31	сўм	96 835 500	1	96 835 500	-	96 835 500
8	Август	31	сўм	88 762 500	1	88 762 500	-	88 762 500
9	Сентябрь	30	сўм	88 762 500	1	88 762 500	-	88 762 500
10	Октябрь	31	сўм	88 762 500	1	88 762 500	-	88 762 500
11	Ноябрь	30	сўм	88 762 500	1	88 762 500	-	88 762 500
12	Декабрь	31	сўм	88 762 500	1	88 762 500	-	88 762 500
ЖАМИ		365/366		764 275 500		764 275 500		764 275 500

м/ў



м/ў



"БУРТМАЧИ"

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO`G`RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Autsorsing shartlari asosida xnzmatlarni ko'rsatish bo'yicha ShARTNOMA № 1
3. Loyihaning mazmuni: Xazorasp tuman tibbiyot birlashmasi nomidan Nizom asosida faoliyat yurituvchi Satibaldiev Oybek Raximbaevich bir tomondan va OOO "FAST FOZILJON" nomidan Ustav (ishonchnoma) asosida faoliyat yurituvchi direktor Bekchanov Ilxom Kadirovich_(keyingi o'rnlarda Autsorser deb ataladi), ikkinchi tomondan mazkur shartnomaga asosan Autsorser Buyurtmachining buyurtmasi bo'yicha mazkur Shartnomaning 1.2-bandida kursatib o'tilgan xizmatlarni ko'rsatish, Buyurtmachi esa ushbu xizmatlar uchun pul tulash majburiyatini olishi, Autsorser mazkur shartnomaning 1.3-bandida ko'rsatilgan muddatdan boshlab, u tugaguniga qadar har kuni Buyurtmachini Bemorlarni 3 maxal issik ovkat bilan ta'minlash hamda O'zbekiston Respublikasining normativ-huquqiy hujjatlari bilan belgilangan sanitariya-gigiena normalari va koidalariga rioya etgan xolda, Buyurtmachi bilan kelishilgan buyurtmalarni bajarish jadvaliga muvofik ta'minlash majburiyatini, keyingi Urinlarda Xizmatlar deb ataladi, uz zimmasiga olishi, Xizmat ko'rsatish muddati: 2022 yil "_05_" Maydan 2022 yil "_31_" Dekabrgacha Tomonlar bajarilgan ishlarning yigma dalolatnomasi va Autsorser tomonidan amalda ko'rsatilgan Xizmatlar uchun belgilangan tartibda rasmiylashtirilgan hisob-faktura imzolanib Buyurtmachi Autsorserning mazkur Shartnomada ko'rsatilgan bank xisob-rakamiga pul mablaglari o'tkazgandan so'ng Xizmatlar ko'rsatilgan deb xisoblananishi, Mazkur shartnomaning ilovasiga muvofiq xizmatlar narxi 764 275 500 (Etti yuz oltmishto'rt million ikki yuz etmisht besh ming besh yuz) so'mni tashkil qilishi to'g'risida.
- Asos qilingan:** 28.04.2022yildagi 32-sonli ma'lumotnoma, 28-sonli Kafolat xati,"FAST FOZILJON" MCHJ ustavi ,Lot -75324 kamissiya hujjati, Sertifiqat,tavsifnoma va iqtisodi bo'yicha ma'lumot.
- Mazkur shartnoma loyihasi Hazorasp tuman Tibbiyot Birlashmasi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022yil 12 may kuni Hazorasp tumani yuridik xizmat ko'rsatish markaziga yuborilgan.
- Shartnoma amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Hazorasp tumani yuridik xizmat
ko'rsatish markazi boshlig'i**

2022 yil 12 May



A.A.Matyokubov.